



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 21 август, чоршанба № 134 (1351)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МУСОБАҚАНИНГ ОЛИЙ СОВРИНИ Президент кубоги ва «Нексия» автомобили ўзбек полвонига топширилди

Фаргона шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун белбоғли кураш бўйича 1-халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистондан 70 нафардан ортиқ полвон саккиз вази тоифасида ўзаро куч синашди.

Ўзбекистонлик Фахриддин Болтабоев, Мадамин Салаев, Валишер Каримов, Шухрат Исоқов, россиялик Равил Аҳмадхон, Михаил Стаков туркманистонлик Чори Шуменов ўз вази тоифасида голиб чиқди.

Турнирнинг мутлоқ голиблиги учун кечган баҳсларда Фахриддин Болтабоевга тенг келадигани топилмади. У мусобақанин олий соврини — Президент кубоги ва «Нексия» энгил автомобили билан тақдирланди.

(ЎЗА).



Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Пахта нарҳини шакллантириш механизми тўғрисида

**Пахта экадиган хўжаликларнинг ички ва ташқи бозорларда барқарор харидорғир юқори сифатли рақобатбардош пахта етиштиришни кўпайтиришдан иқтисодий рағбатлантирилишини кучайтириш, нарх белгилашнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган жаҳон амалиётида қабул қилинган меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида:**

1. Пахта хомашёсига ички харид нархлари ҳамда экспортга ва республика истеъмолчиларига етказиб берилаётган пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон бозоридида шаклланаётган пахта нархи конъюнктурасига мувофиқ белгилашни тартиб ўрнатилсин. Пахта хомашёсига нарҳини шакллантиришда уни ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, шунингдек уни қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш харажатларининг қопланишини ҳисобга олиш зарур.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ҳар йили янги ҳосил пахтасига нарх белгилаш, шартнома ва контракт мажбуриятларини имзолашда мажбуриятларининг биринчи бандида белгиланган пахта хомашёсига харид нархлар ва пахта толасига улгуржи нархларни шакллантириш механизмига қатъий амал қилсинлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодий ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси икки ҳафта муддатда пахта хомашёсига харид нархларини ва пахта толасига улгуржи нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.
4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини ў.Султонов зиммасига юкласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 20 август

**И.КАРИМОВ**

**Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош қотибнинг қуролсизланиш масалалари бўйича ўринбосари Жаянта Дханапала 20 август кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирини Абдулазиз Комилов билан учрашди.**

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА

Сухбат чоғида БМТ Бош қотиби ўринбосарининг ташрифи Марказий Осиёда жуда муҳим жараёнлар кечаётган бир пайтга тўғри келгани алоҳида таъкидланди. Минтақа давлатларида кенг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган, Афғонистондаги вазият секин-аста барқарорлашиб бораётган ҳозирги кунда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратилиши минтақадаги барқарорликни янада мустаҳкамлаш, қўшни мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ишонч кучайтириш ва иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташқи ишлар вазирлигидаги учрашувда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантиришга қаратилган шартномани ишлаб чиқиш ишлари яқиний бошқича киргани айтиб ўтилди. Томонлар экспертларнинг мазкур шартномага бағишланган яқиний учрашувини ўтказиш борасида фикрлашиб олди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият ҳам муҳожама қилинди. Мазкур мамлакатни тиклашда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, гуманитар соҳалардаги ислохотлар билан бирга, қуролсизланиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозимлиги борасида томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Музокарадан сўнг Ж. Дханапала журналистлар билан суҳбатда, Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш борасидаги сайё-харакатларнинг самарали яқунлашишида муҳим рол ўйнашини алоҳида таъкидлади. (ЎЗА).

## ЭРКИНЛИК тараққиётнинг яққо ягона йўлидир

**Шу кунларнинг шўқуҳи ўзгача. Қаерга борманг катта тейёргарликнинг устидан чиқасиз. Корхонаю хўжаликларда, ташкилот ва муассасаларда муборак сана — Истиклолимизнинг 11 йиллигини муносиб нишонлаш учун тараддув кўрилмоқда. Мустиқиллик йилларида, хусусан, кейинги ойларида амалга оширилган ишлар назардан ўтказилмоқда, янги вазибалар белгилаб олинмоқда.**

**Ўзбекистон Агрисаноат мажмуи ходимлари касабаси Марказий қўмитаси раиси Шамсиддин ЭСОНБОВ билан суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди.**

— Мустиқиллигимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз тарихи, халқимиз ҳаётининг ёрқин саҳифаси сифатида эсда қолади. Шу маънода ҳаблингиздан нелар кечмоқда?

— Мустиқиллик бизга нима берди, ўн бир йил ичида нималарга эришдик, деган саволлар устида ўйласак, қалбимизни гурурга тўлдирди. Ҳар бир сўзлар жўшиб келди. Лўнда ифодаланганда мустиқиллик ҳуқуқ берди, тилимизни, динимизни қайтарди. Халқимизга ўзлигини, ўзбеклигини танитди, ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳам бахтиёр халқимиз, дея бошимизни баланд кўтариб юрадиган бўлдик. Йилдан-йилга одамларимиз эркин яшашнинг қадрини тобора чуқурроқ англамоқдалар.

Бевосита қўмитамиз фаолиятга тўхталадиган бўлсак, юқоридаги улғур ишларга Агрисаноат мажмуи ходимлари ҳам дахлдор эканлигидан факрланамиз. Тасарруфимиздаги бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари ўз атрофида 2910843 аъзони бирлаштирган. Улар эл дастурхонини тўқин-сочин этишга бел боғлаган чинакам фидойилардир. Равшанки, фуқароларимиз учун моддий неъматларни кафолатлаш, одамларимиз ҳаёти учун лозим бўлган барча нарсаларни муҳайё этиш осон эмас. Баъзида ана шу сўзларни такрорлар эканман, ҳаёл ўтмишга етаклайди. Маъмурий

— Агрисаноат мажмуи халқ хўжалигида алоҳида ўрин тутди. Соҳада эришилган қувончли натижаларни таҳлил этсангиз.

— Аввало галла мустиқиллиги йўлида ташланган дадил қадамлар хусусида тўхталиш жоиз. Жумладан, миришкор деҳқонларимиз эришган бу йилги мисли кўрилмаган галаба барчани қойил қолдирди. Бу улкан меҳнат ютуғи ўзбек халқининг нималарга қодирлигини яна бир қарра ёрқин намойиш этди. Лафзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларимизнинг ғайрат-шижоати туфайли республиканинг жами галла ҳосили 4,7 миллион тоннадан ошди. Қаранг, Андижон вилоятида рекорд натижага эришилди — гектар ҳосилдорлиги 75 центнерни ташкил этди. Хўш, бу муваффақият замирида нималар ётибди. Жавоби тайин: ҳурматли Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидлаганидек, унинг замирида қишлоқ ҳаётини янгилаш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш борасидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат мужассамдир.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозоридида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

**«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси қонунларида мувофиқ ва республикага истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозоридида рақобат муҳитини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р и л а д и:**

1. Амалдаги қонун ҳужжатларида мувофиқ тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин муомаладаги валютага конвертация қилишнинг устувор ҳуқуқини берувчи лицензия ятини амалга оширувчи бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва доридармонларни импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банкларга ҳар чораклик лимитлар бекор қилинсин.
3. Белгилансинки, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида фақат ўзининг товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларида биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирда турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни улгуржи сотиш шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштириш тартибда қатъий амал қилсинлар.
4. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган барча юридик ва жисмоний шахсларга: божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб келишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бош-тирувида ўзининг расмий дистрибуторлари рўйхатини гимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш; улгуржи савдо субъектларининг дистрибуторлари назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчасига эга бўлишлари керак; истеъмол товарлари қонун ҳужжатларида мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томонидан фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш шаклида улгуржи сотилади.
5. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра: юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарлари тузилган шартномалар асосида фақат ўзининг расмий эълон қилинган дистрибуторларига, шунингдек назорат-касса машиналари билан мажбурий фойдаланилган тақдирда турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни улгуржи сотиш шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштириш тартибда қатъий амал қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги улгуржи ва улгуржи-чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда кўрсатиб ўтилган тартибга қатъий амал қилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси улгуржи сотиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларини божхонада расмийлаштиришда белгиланган тартибга қатъий риоя қилсин.

(Давоми 2-бетда).

## ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА Бир Фармон шарофати

Хусусан, вилоят болалар клиник касалхонаси таъмирланиб, мамлакатдаги энг замонавий шифохоналардан бирига айлантирилди.

Шу кунларда эса биринчи вилоят клиник шифохонасида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ҳомий ташкилотларнинг пул ўтказиши учун Миллий банкининг вилоят бўлимида ҳисоб рақами очилган. Дастлаб шифохона жамоаси шанбалик ташкил этиб, ундан тушган маблағи ана шу ҳисоб рақамига ўтказган эдилар. Айни чоғда корхона, ташкилот ва муассасалар, ширкатлар, хусусий фирмалар раҳбарлари, тадбиркорлар бу хайрли ишни давом эттирмоқдалар.

— Касалхона ташкил топганига 78 йил бўлди, — дейди биз билан суҳбатда касабаси уюшмалари вилоят кенгаши раиси Марат Юсупов. — Унинг айрим бинолари бундан 30 йил илгари қурилган. Шу боис беморларни даволаш, ташхис қилиш ишларини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этиш учун шароит яратиш мақсадида қайта таъмирлашга киришилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан хабар қилишларича, дастлаб хирургия бўлими таъмирланди. Бунинг учун яқин 2-3 ой ичида 9 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш юмушлари амалга оширилади. Мухандислик тармоқлари алмаштирилади, буғ қозонлари, иситиш тармоқлари қўриб чиқилади.

Шифохонада катта бунёдкорлик тадбирлари давом этмоқда. «Ургенчтрансгаз», «Ургенч», «Янгиарқдон», «Хонқодон» хиссасдорлик жамиятлари каби ҳомийлик буюмушда фаол қатнашмоқдалар.

ЁЛКИН.

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

### Маҳкамасининг

### ҚАРОРИ

#### Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда).

6. Белгилансинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари фақат юридик шахс ташкил этмасдан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва экспорт-импорт операцияларини ҳамда чакана савдонинг амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жимоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилишига белгиланган тартибда йўл қўйилади. Бунда улар томонидан истеъмол товарларини назорат-касса машиналари қўлланилмасдан сотишга рухсат берилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жимонийликларга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюм бозорларида истеъмол товарларини сотишнинг кўрсатиб ўтилган тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

8. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар ёрликларидан (этикеткаларидан) Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида товарнинг хусусиятлари

механизми ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

11. Белгилансинки, юридик шахслар томонидан республикага технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида олиб келинаётган ноозиктоват товарлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарори билан белгиланган товар божхона қийматининг 30 фоизи микдорда истеъмол товарлари импорти учун йиғимдан озод қилинади.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тайёр маҳсулотларни технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар каторига киритишни аниқ чекловчи қондани икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 июлдаги 305-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 20 сентябргача бўлган муддатда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари ва дори-дармонлар импорти тариф билан ва нота-риф бошқариш тизимини жорий этишни;


15. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

#### Вазирлар Маҳкамасининг

#### Раиси

Тошкент шаҳри, 2002 йил 20 август

**И.КАРИМОВ**



«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятига қарашли шифер таъминоти шўба корхонасида халқ истеъмоли моллари билан бир қаторда корхона ишчи-хизматчилари учун мах-

с кийим-бош ишлаб чиқарилади. Иш уну-ми юқори бўлиши учун меҳнаткашларга барча шарт-шароитлар яратилган. Суратларда: мохир тикувчилар Ҳакима

Ҳозирхонова, Малика Қодирова ва Гулсиной Пўлатовалар.

**Ф.ХИДИРОВ** олган суратлар.

## ЭРКИНЛИК тараққиётнинг яқкаю ягона йўлидир

(Боши 1-бетда).

Касаба уюшмалари мавсум мобайнида галлазорларда ишни тўғри ташкил этиш, ишловчиларнинг кўнгилли дам олишлари, маош вақтида берилиши хусусида алоҳида қайғурдилар. Илғорларни рағбатлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Хоразм вилоятларидаги болалар сўғатгоҳлари иши билан танишиб қайдик. Сўлим масканларда мириқиб дам олаётган болаларнинг чехрасидаги мамнуликни кўриб, дилимиз ёришди. Нукус, Эллиққалъа, Беруний, Тахиятош туманлари, Хоразмнинг Қўшқўпир, Хонқа, Гурлан туманларидаги сўғатгоҳларда бўлганимизда эса давлатимиз раҳбари, истиқлолимиз шаънига айтилган миннатдорчилик сўзларини эшитдик.

Қайтишда автоулов билан жўнашга қарор қилдик. Йўл-йўлакай она замин одамлар меҳнатига яраша саҳийлик кўрсатаётганлигини қалбдан ҳис этдик, эркин меҳнат мўъжизаларга қодирлигига амин бўлдик. Ҳосили йиғиштириб олинган галлазорлар, уфққа туташ пахтазорлар, мевалар, олтиндек товланиб турган боғ-роғлар кўзни қувонтирди. Деҳқонлар ва саноатчилар билан учрашувлар, оний гурунглр

асносида Юртбошимизнинг истиқлолимиз тонготарида «**Оёқ-кўли боғланган киши каноти синган қўшдир. Эркинлик эса тараққиётнинг яқкаю ягона йўлидир. Шу сабабдан менинг яна бир муҳим мақсадим — эркинлик бериш ва ана шу эркинликни муҳофаза қилишдир. Биринчи галда тadbirkorликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик бериш...**» деган ниятлари бугун амалга ошганлигининг гувоҳи бўлдик.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Қарияларни қадрлаш йилида қатор савобли ишларга қўл урган. Масалан, 2917 та корхонадаги 27375 нафар пенсионерга имтиёз ва кафолатлар кўрилди. Хусусан, Сурхондарё вилояти бўйича корхона ва хўжаликларда нафақага чиққанлар учун ҳам иш жойлари сақлаб қолинди. Республика тарихий шаҳарлари ва бошқа зийратгоҳларга бориш учун транспортлар бепул ташкил этилди. Байрам айёмларида 4070 та корхонадаги кексалар кўнглини овлash учун катта микдорда маблағ сарфланди. Касаба уюшмалари ҳисобидан эса 8873 миллион сўм ажратилди. Маошга қўшимча устамалар, ошиқча кунли таътиллр бериш каби омиллар ҳам одамлар руҳини кўтаришда, баракали меҳнат қилишида муҳим рол ўйнамоқда. Ижтимоий

ҳимоя, ўзгалар мададига муҳтож кимсалар, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимиз ҳам чакки эмас. Соҳа корхоналари ва ташкилотларида 6880 та жамоа шартномалари тузилганлиги ижобий натижалар бермоқда. 3072 нафар киши учун янги иш жойлари таъминланганлиги ишчилар сонини анча камайтириш имконини берди. Раёсат йиғилишида «Ўзгаромашсервис» уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўғинларида меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунга қандай риоя этилаётганлиги масаласи кўриб чиқиши инсон омилига эътиборни янада кучайтиришга хизмат қилади.

— **Иш ҳамиша силлик кетавермайди. Шу маънода сизни ўйлантираётган муаммолар хусусида ҳам тўхталсангиз.** — Агросаноат мажмуида баъзи камчиликлар, ечимини қутаётган муаммолар кўпчиликлари маълум. Ишлаб чиқариш жараёнларига янги техника ва технологияни олиб кириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, чет эл инвестициялари салмоғини ошириш, иш ҳақидан қарздорликни камайтириш борасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Бу борадаги саъй-ҳаракат айрим жойларда сўз кетаётганлигининг боиси баъзи касаба уюшма етакчиларида қатъиятлик, ташкилотчи-

лик, ташаббускорлик етишмаётди. Очигини айтганда, насияга ким ҳам ишларди. Моддий манфаатдорлик бўлмаса, ҳар қандай ташаббус охири-оқибатда сўнади. Тахлиллар Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Фарғона вилоятларида иш ҳақи тўловларини амалга оширишда қатор камчиликлар борлигини кўрсатди. Албатта, қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Суд ва прокуратура органлари орқали даво аризалари киритилиб, меҳнаткашлар мушқули осон этилди. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари тармоқ қўмиталари аралашуви билан Нишон тумани У.Юсупов номли жамоа хўжалигида ишлаб, касб касаллигига чалинган Р.Ақромовга 205 минг сўмлик, Ўрта Чирчиқ туманидаги паррандачилик ҳиссадорлик жамиятида фаолият юритиб, ногирон бўлиб қолган А.Горкинга 150 минг сўмлик тегишли пуллари ундириб берилди. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, ижтимоий муҳофаза масалалари бундан кейин ҳам фаолиятимизда алоҳида ўрин тутди.

Юрагимдаги гап: одамзот бу ёруғ дунёга одамдай яшаш, меҳнат қилиш учун келади. Бунинг учун аввало, унинг қалбида хотиржамлик, кўнглида осойишталик бўлиши, елкасидан бирон юк эзиб турмаслиги керак. Одамлар қалбида ўз қадрини билиш туйғуси мустақкам шаклланаётганидан бағоят хурсандимиз.

**Сухбатдош: Раҳимберди УМАРОВ.**

### «СОВПЛАСТИТАЛ» -

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Шу кунларда Бадий академиянинг Марказий кўرғазмалар залида шундай деб аталган кўрғазма очилди.

Маъмур кўрғазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов, «Совпластитал» қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов, Бадий академия раиси Т.Қўзиёв ва бошқалар «Совпластитал» мамлакатимиз ҳудудига ташкил этилган биринчи қўшма корхона бўлганлигини таъкидлашди. Маҳсулот турларининг доимо янгиланиши унинг жадал ривожланиётганидан далolat беради. «Совпластитал»нинг ҳар бир маҳсулоти юқори технологияларнинг истеъмолчиларнинг ортиб бораётган талаблари билан уйғунлиги маҳсулоти. Айнан шу сабабли бунда нафақат чиройли дизайн, материаллар ва уларнинг иқомиятларини яхши билиш, балки одамларнинг талабларига самимий қизиқиш ҳам назарда тутилди.

### Кўрғазма

Утган йилнинг ўзида қўшма корхонада қарий 3 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди. Ўзбекистон Республикасининг савдо ташкилотлари билан икки мингдан ортқ шартнома тузилди, маҳсулотни экспорт қилиш бўйича контрактлар имзоланди. Бу эса истеъмолчиларнинг корхона маҳсулотларига қизиқиши камаймаётганидан далolat беради. «Совпластитал» маҳсулоти 30 дан зиёд мамлакатга экспорт қилинади. Корхона маҳсулотларига назар ташлар экансиз, мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг сўзлари ёдга келади. Қилаётган ишимизга ва яратаятган нарсамизга бўлган ҳурматсиз, мамлакатимиз ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш туриб, иқтисодий бақувват мамлакатлар сифига киришимиз ҳамда одамларимиз муносиб ва фаровон ҳаёт кечирishiга эришимизни жуда қийин, деган эди давлатимиз раҳбари. Айнан доимий изланиш, юзлаб замонавий техноло-

### Мамлакатимиз зарбдор қурилишларида

Юрт истиқлолидан сўнг маънавий ва маърифат ўрқоқига бўлган эътибор янада кучайди. Бу масканлар энг кўркам, миллий меъморчилигимизнинг ёрқин жиловларини ўзида акс эттирган мухташам бинолар тусини олди. Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги арафасида ҳам ана шундай савобли ишга қўл урилди. Чок-чокидан сўкила бошлаган Сирдарё вилоят кутубхонасини чўлқуварларнинг ҳақиқий маънавий ўчоғига айлантиришга бел боғланди.

## МАЪНАВИЯТ КОШОНАСИ

— Кутубхонанинг янги кўринишидаги биносини барпо этиш ҳаракати ўтган йили бошланганди, — дейди кутубхона раҳбари Алижон Байматов. — Лойиҳага кўра биринчи қаватда кутубхона, ўқув зали ва шаҳар «маънавият ва маърифат» маркази жой олади. Иккинчи қаватда вилоят «Маънавият ва Маърифат» ҳамда бошқа бир қатор маданий марказларнинг вилоят бўлимлари жойлашади. Шунингдек, бу ерда йиғилишлар ва кўрғазма заллари, бошқа қўшимча бинолар барпо этилади. Замонавий бино тархнини вилоят хўжалик ҳисобидига лойиҳа ишлаб чиқариш бошқармаси меъморлари тайёрлашди. Минг бора зшитгандан бир бора кўрган афзал, дейишади. Яхши-ши ва сополдан юксак бадий буюмлар, янги йил маҳсулотлари ва саноат товарлари ишлаб чиқаришмоқда.

Кўрғазманинг тантанали очилиш маросимида Италиянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси Леополдо Ферри де Ладзаро иштирок этди. **Н.УСМОНОВА, ҲаА мухбири.**

олишлари учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Ойлик маош ва мукофот ўз вақтида берилмоқда. Сифатли иш бажарганлар алоҳида рағбатлантирилади.

— Халқимизда мухташам бинолар тўхфа этишда иштирок этаётган

нимиздан қалбимиз гурурга тўлаяпти, — деди биз билан суҳбатда қурувчи Қосим Тоғаев. — Шуниси эътиборга лойиқки, маънавий қошонасига энг сифатли, ноёб қурилиш материаллари ишлатилаяпти. Кулранг ва қора мрамр тошлар бино салобатини янада оширади. Ҳамкасбларим Рустам Маматхоликов, Эркин Жаниев, Аскар Маматкулов, Омонкул Алимбоевлар билан бир сафда иш олиб бораёямиз. Бизга юклатилган вазифа адоғига етаяпти. Эндилкида водийлик ганчуймакорлик усталари иш бошлашди.

Миллий ва Оврупо меъморчилиги услубларини ўзида уйғунлаштиришга бу қошона Мирзачўл дурдонасига айланади. Негаки, бинонинг ҳар тўртгала томони ҳам мафтункор ва нафис бўлиши таъминланган. Бино олди мўъжаз дархазтор ва гулзорларга айлангани унинг салобатига салобат қўшиши шубҳасиз. **Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

## ЖАЛОЛҚУДУҚ ГУЛЛАР ОҒУШИДА

Жалолқудуқ тумани йўллари илгарилари чанг-гарди осмонга буруқсиган хароба кўринишида эди. Чўлнинг но-боғлиги, ўйдим-чуқурлигидан ҳар қадамда тўхтаб турган машиналарни кўрардингиз. Бугун эса йўловчиларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш учун қурилган равон йўллар, мухташам маданий-маиший хизмат масканлари улар хизматиди.

Туман маркази — Охунбоев шаҳрига қадам ранжида қилишингиз билан гуллар оғушида қоласиз. Димо-фингизга райхону жамбуллар ифори урилади. Икки томонлама равон қатнов асфальт йўл сизни шаҳарга етаклайди.

Кишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган беш йиллик дастур ишлаб чиқилиб, Ёрқишлоқ, Ойим, Капа, Тешиктош кишлоқларидан маҳалла ва кўча, хонадонларни гулзорлаштириш юзасидан кенг кўламли тадбирлар амалга ошириляпти. Шуниси муҳимки, бу юмушлар қарияларни қадрлаш, етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиш, боқувчисидан айрилганларни йўқлаш тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда. «Қариси бор уйнинг париси бор», «Гуллар-ҳаётимиз зийнати», «Маҳалла обод — юрт обод» кўрик-танловлари ўтказиш аънава тусини олган. Тошматов номли ширкат хўжалиги ҳудудига илгарии маҳалла чорваси ўтлаб юрадиган ташландиқ жой бўларди. Ҳокимлик, пахта тозалаш заводи, савдо ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамоаси ва бошқа кўплаб ширкат хўжаликларининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан бу ерда 400 ўринли мактаб-интернат барпо этилди. Ҳозирда ҳамма уни «Са-

ховат уйи» деб номламoқда. Бу ерда ижтимоий ҳимояга муҳтож 200 оиланинг фарзандлари уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Болалар касб-хунар ва турли фанлардан чуқур билим олмақдалар.

Туманда мактаб ва бошқа таълим муассасалари тармоқлари қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Илгари шудгор ўрни бўлган Андижон йўли ёқасида 450 ўринли касб-хунар коллежи ярим йил ичида қуриб битказилди. «Болгария» хўжалигида 220 ўринли, Тошматов номли ширкат хўжалигида барпо этилган 460 ўринли замонавий янги мактаблар қишлоқ хуснига-хусн қўшмоқда.

Абдуллабий қишлоғида 70 ўринли қишлоқ сўғатгоҳи қурилиб ишга туширилди. Туман марказий шифохонасида 50 ўринли шошилинч «Тез тиббий ёрдам» бўлими иш бошлади. Ҳозирда Тешиктош қишлоғида 60 ўринли қишлоқ-врачлик пункти қурилиши тугаланиши арафасида.

Қишлоқларни газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлашда талай ишлар қилинди. Амир Темур ширкат хўжалиги сарҳадларига газ тақсимлагич станцияси иш бошлади. Ойим қишлоғидаги сув сақлагич шохобчаси таъмирланиб, бош каналация тармоғига уланди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидаги муваффақиятлари учун Жалолқудуқ тумани ўтган йили биринчи ўринни эгаллаб, вилоят ҳокимлигининг «Дамас» автомашинаси билан тақдирланган эди. Бу йил ҳам туман эришилган ютуқларни қўлдан чиқармоқчи эмас. **Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис иккинчи сессияси иккинчи чақирғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов депутатлар олдида нутқ сўзлаётган, парламентнинг 2000-2001 йилларга мўлжалланган ишларининг устувор йўналишларини ўзида мужассамлаштирган хужжатнинг аҳамияти ҳақида таъкидлаётган. Бу борада у депутатлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий уюшмаларнинг бутун қонунчилик жараёнида мўлжалланган тадбирларни тадбиқ қилишда фаол қатнашувининг муҳимлигини алоҳида қайд этди.

Президент шунингдек энг яхши хорижий парламентаризм тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик механизмининг такомиллаштириш зарурлигини ҳам таъкидлади. Парламент ишини такомиллаштириш ҳақида сўзлар экан, давлатимиз раҳбари кейинчалик икки палатали қонун чиқаруви орган барпо этиш зарурлиги ҳақида фикр билдирди. Унинг фикрича, қуйи палатада сиёсий партияларнинг парламентдаги доимий, касбий асосда ишловчи вакиллари, юқорисидда эса — вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари турмоғи зарур.

Республика Олий Мажлисининг 25 май 2000 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис биринчи сессия иккинчи чақирғидаги маърузасидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис комиссия ва қўмиталарининг 2000-2001 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари ҳақида»ги Қароридан «инсон ҳуқуқлари ривож этилишининг парламент томонидан назорат қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Парламент қўмита ва комиссияларнинг қонунчилик ва назорат-таҳлилий ишини амалга оширишда уларнинг Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан ҳамкорлигини фаоллаштириш зарур»лиги айтиб ўтилди.

Маълумки, Омбудсман институти биринчи бўлиб 1809 йили Швецияда пайдо бўлган, лекин XX асрнинг иккинчи ярмидагина конституцион поғонада пойдеворга эга бўлди. 1971 йилдан бундан Швецияда бир палатали Риксдаг (парламент) фаолият кўрсатмоқда. 1968-69 йилларда конституцияга киритилган ўзгаришлар 1866 йилдан бери мавжуд бўлган икки палатали тизимни инкор қилди. Ҳозирги пайтда Швецияда парламент тўртта Омбудсман сайлайди, улардан бири парламентнинг бош омбудсманни ҳисобланади.

Ўзбекистонда келгусида қонун чиқарувчи органнинг икки палатали тизими яратилиши, бизнинг фикримизча, Омбудсман фаолиятига, яъни унинг сайлов тартибига, парламент палаталари, унинг қўмита ва комиссиялари, шу-

нингдек депутатлар уюшмалари ва фракциялари билан ҳамкорлига, йиллик ҳисоботлар тақдимотига ва ҳоказоларга ҳам таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан хорижий давлатларнинг икки палатали парламентдаги Омбудсман фаолияти соҳасидаги тажрибасини ўрганиб чиқиш муҳим. Австрия, Олмония, Нидерландия, Испания, Польша, Россия ва бошқа мамлакатларнинг Омбудсман тўғрисидаги қонун ва Конституцияларини ўрганиш шуни кўрсатдики, парламентнинг икки палатали тизимида Омбудсман номзоди тасдиқланишида у ёки бу даражада қонун чиқарувчи орган-

олиятини ўрганиб чиқиб, зарурият туғилганда масъул министрға апелляция учун юбориш имкониятига эга бўлади. Омбудсманнинг барча маърузалари Қўмита клеркига жўнатилади, парламентнинг қолган қўмиталари ўз ишларига дахли бўлган баъзи маърузаларнинг нусхаларини оладилар.

Миллий омбудсман, миллий омбудсман ишлари бўйича Доимий қўмита раиси ва клерки билан мунтазам равишда учрашиб туради, қўмитанинг қолган аъзолари билан учрашувлар мунтазам ўтказилмайди. Иш ҳал қилишда тақдорланшининг олдини олиш учун Омбудсманга мурожаат қилган даво-

# ОМБУДСМАН

фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни икки палатали парламент шароитида такомиллаштириш

нинг иккала палатаси ҳам қатнашади.

Нидерландларда Парламентнинг Иккинчи палатаси томонидан Давлат Советининг Раиси, Олий Суд ва Олий назорат палатаси раисларидан ташкил топган махсус қўмита тавсияларига биноан уч кишидан иборат омбудсман тайинланади. Шунингдек, иккинчи палата Омбудсманни эгаллаётган лавозимдан бўшатади, унинг вазифа ҳаракатини тўхтатиб қўя олади. Омбудсман тавсиясига биноан унга ўринбосар тайинлайди. Парламентнинг иккинчи палатаси миллий омбудсман ишлари бўйича махсус доимий қўмитага эга.

Омбудсман парламентнинг иккала Палатасига ҳамда вазирларга ўзининг турли соҳалар бўйича текширувлари якунларидан иборат қисқа маълумотномасини, статистик хужжатлар ва аниқ ишлар бўйича тайёрланган маърузаларнинг баёноти бўйича йиллик ҳисоботни тақдим этади. Маърузанинг преамбуласи хизматчиларнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларининг солиштирма тавсilotига бағишланади. Миллий омбудсманнинг йиллик маърузаси Қўмита томонидан таҳлил қилиниб, баъзи қисмлари қизиққан министр ёки бошқа юқори лавозимдаги шахсга юборилиши мумкин. Маъруза бўйича мунозаралар қуйи палатанинг ялпи йиғилишида якунланади, ички ишлар вазири бунда ҳукумат томонидан қонуннинг ижроси учун жавоб берадиган вакил сифатида қатнашади.

Миллий омбудсман шунингдек миллий омбудсман ишлари бўйича доимий қўмита раисига ҳар квартал ўз тавсияларига жавоблар тўғрисидаги маълумотлар, ишлар мазмунининг қисқача баёнини жўнатади. Қўмита омбудсман иш фа-

гарлар рўйхати парламент қўмиталарига арз қилган шахслар рўйхати билан солиштиралади.

Миллий омбудсман хизмати матбуот учун муҳим муаммолар бўйича ҳисоботлар тайёрлаб, танланган маърузалар нусхаларини газеталарга, айниқса, регионал ҳар кунлик нашриётларга юборади. Сўнг матбуот конференциясида йиллик маъруза тақдимоти бўлиб ўтади. Миллий омбудсманнинг энг муҳим хулосалари ва йиллик маърузанинг мазмунини телевизион ва радиодастурларда эитилади.

Польшанинг 1997 йил Конституцияси ва Фуқаролар ҳуқуқлари бўйича Вакил тўғрисидаги Қонунга биноан Омбудсман Сейм томонидан Сенат розилиги билан Сейм Маршаллари ёки 35 депутатдан иборат гуруҳ тақдимотига асосан беш йил муддатга тайинланади.

1987 йил қонунининг таҳририда вакил Сейм томонидан миллий тикланиш учун Умум-польша Ватанпарварлик ҳаракати совети фикрининг эшитирилишидан сўнг келган Сейм президиуми тақдимотидан сўнг тўрт йиллик муддатга тайинланган. 1991 йил 24 август куни Польшада 15.07.1987 й. Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида қонун қабул қилинди, энди парламентнинг иккинчи палатаси — Сенат — ташкил қилиниши муносабати билан омбудсман лавозимига номзод тайинлашда Сенат ва Сейм орасида келишув жараёни киритилди. Сеймнинг Омбудсман тайинлаш ҳақидаги қарорини Сейм Маршаллари дарҳол Сенат Маршалига юборади. Сенат бир ой мобайнида Сейм қарорига ўз муносабатини билдириши лозим. Агарда Сенат бир ой мобайнида қарор қабул қилмас, бу ҳолда у розилик билдирган ҳисобланади.

Омбудсман парламентнинг аниқ таркиби билан боғлиқ эмас, бу унинг қонун чиқарувчи

## Биздан сўраган эдингиз

ҳокимиятнинг юқори органига нисбатан муҳториятини таъминлайди. Омбудсман ўз муддатининг ярида бир таркибли парламент билан ҳамкорликда бўлса, иккинчи ярида эса — янги таркибдагиси билан бўлади. Омбудсман фақат парламент олдида масъул бўлиб, ўз фаолияти ҳақида ҳар йили ҳисобот беради.

Польша Омбудсмани Сейм ва Сенатга ҳар йил ўз фаолияти ҳақида маъруза ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя этилиши ҳолати ҳақида мулоҳазаларини тақдим этади. Омбудсман, Сейм ҳамда Сенат олдида ўз фаолиятдан келиб чиқиб аниқ муаммоларни тақдим қилиш ҳуқуқига эга. Сейм ҳамда Сенатга тақдим қилинган ўз фаолият ҳақидаги маърузаларида Польша омбудсмани максимал даражада мамлакатда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликвари ҳолатини тасвирлаб беришга интилади.

Испанияда Халқ Химоячиси Парламент (Генерал Кортеслар) томонидан сайланади ва Конгрессда ҳам, Сенатда ҳам тайинланган Халқ Химоячиси билан мулоқотлар бўйича Комиссиялар билан иш олиб боради. Бу Комиссиялар зарурий туғилганда парламент йиғилишларида ҳисобот бериш, қўшма мажлисларда Конгресс қарорига биноан Омбудсманга номзодлар тақдим қилиш ҳуқуқига эга. Тақдим қилинган номзод Конгресс томонидан сайланади, кўпчилик овози билан Сенат томонидан тасдиқланади. Юқорида келтирилган комиссиялар умумий йиғилишида омбудсманнинг тавсиясига биноан унинг ўринбосарини тасдиқлайдилар. Омбудсман Парламентнинг иккала палаталарининг қўшма сессиясида ўз функцияларини тўғри бажаришга қасамёд қилган, ўз вазифасини бажаришга киришади.

Испаниянинг халқ Химоячиси ҳар йили навбатдаги сессияда ёки февралда маърузасида Генерал Кортеслар олдида қабул қилинган тадбирлар ҳақида ҳисобот беради. Ҳар йиллик ҳисоботида Химоячи келиб тушган аризалар сони ва тафсилоти, муаммоларнинг ечимини ҳамда маъмурий органлар томонидан қабул қилинган маслаҳат ва тавсияларни баёни билан таништиради.

Маърузада шунингдек, мазкур муддат учун офиснинг бюджет ҳисоботи киритилган иловалар келтирилади. Омбудсман ўз маърузасини иккала Палаталар кенгаши давомида тақдим этади. Парламент гуруҳлари ўзларининг маърузага нисбатан бўлган муносабатларини билдириш ҳуқуқига эга.

**М. УСМОНОВ, М. ТИЛЛАБОВЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг масъул ходимлари.  
(Давоми бор).

## Саволарингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

**САВОЛ:** электр қувватидан фойдаланишда 2001 йилнинг биринчи ярида бизга имтиёз берилмади. Электр тармоғи идораси қандайдир кўрсатма асосида бизни имтиёздан чеклаб қўйди. Шунинг сабабини тушунтириб берсангиз?

да, ўқитувчиларга меҳнат таътили берилиб, уларга энг кам ойлик, агарда ишга жалб этилса, ўртача иш ҳақи тўланар эди. Ҳозир бизга пахта терими даврида ва таътил даврида тўлиқ ишлаган ҳақ қай тарзда тўланади?

**Ҳ.САТТОРОВА,**

Беруний тумани.

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 1996 йил 2 декабрдаги Меҳнат вазирининг 582/03-2 сонли «Халқ таълими ходимларининг қишлоқ хўжалик ишларида уларнинг меҳнати-га ҳақ тўлаш тартиби»да шундай дейилган: Қишлоқ хўжалик ишлари борган ўқувчиларга раҳбарлик қилган ўқитувчилар, мактаб



**ЖАВОБ:** «Ишонч» газетасининг 2002 йил 2 март сонидан бу саволга батафсил жавоб берилган.

**САВОЛ:** хорижий тил дарси гуруҳга бўлиб ўтилиши лозим бўлган синфларда қўшиб ўтилган дарс соатлари учун ҳақ тўланмайти? Шу тўғрими?

**Г.ХУДОЙҚУЛОВА,**

Пайарик тумани.

**ЖАВОБ:** ҳар йили ўқув йили бошида мактаблардаги вақант соатларига молия бўлими томонидан маблағ ажратилади. Синфни икки гуруҳга бўлиб ўтиш лозим бўлганда ўқув йили бошида мактабда 2 та хорижий тил ўқитувчиси бўлганда икки ўқитувчига яраша маблағ ажратилади. Шу ўқитувчилардан бири касал бўлиб қолса ёки кетиб қолса ўқитувчиларнинг бирига синфни қўшиб ўтгани учун ажратилган маблағ ҳисобидан ҳақ тўланади. Бироқ ўқув йилининг бошида хорижий тилдан дарс бераётган ўқитувчининг дарс соатлари гуруҳга бўлиниб ўқиши назарда тутилмаган бўлса улар гуруҳга бўлинмайди ҳамда молия бўлимидан фақат ана шу бир ўқитувчига маблағ ажратилади. Маблағ фақат у бир ўқитувчига ажратилгани сабабли синф қўшиб ўтилган тақдирда ҳам ўқитувчига ҳақ тўланмайди.

Бундай ҳолларда синфни қўшиб ўтган ўқитувчига иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан иш ҳақига қўшиб берилиши мумкин.

**САВОЛ:** илгари ўқувчилар пахта теримига жалб этилган-

раҳбарлари учун бутун қишлоқ хўжалик ишлари йиғими даврида тарификация асосида уларга ўрнатилган иш ҳақи сақланиб қолинади.

Мактаб директорлари ёки уларнинг ўринбосарлари пахта теримида ўқувчиларга раҳбарлик қилмай, баъзан ўқувчиларни қишлоқ хўжалигидаги ишларини ташкиллаштириш учун борсалар уларнинг административ лавозимдаги иш ҳақлари ҳам тўлиқ сақланади. Педагогик фаолиятлари учун ҳақ қишлоқ хўжалигида бўлган даврида ҳам, ўқув йили ойлари туағунача ўқув режасида ўтилган дарс соатлари учун ҳам тўланади.

Ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ишларида бўлганлиги сабабли ўтилмай қолган дарс соатларини бажариш учун тарификацияда қўйилган

ўқув соатларидан ошиқ дарс ўтилса, бу дарс соатлари янгиликдан тарификация қилиниши керак.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

Ўқув соатларидан ошиқ дарс ўтилса, бу дарс соатлари янгиликдан тарификация қилиниши керак.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

Ўқув соатларидан ошиқ дарс ўтилса, бу дарс соатлари янгиликдан тарификация қилиниши керак.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

Бу тўлов миқдори педагог ходим учун каникул даврида ҳам сақланади. (Меҳнат таътилидан ташқари). Агар педагог ходим қишлоқ хўжалик ишларига юборилса, (яъни, пахта теримчиси сифатида) бу ҳолда ҳам асосий иш жойидаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

## Э Ў Л О Н

### ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралда 57-сонли «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги Қарорига кўра Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида «Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш» бўлими фаолият юритиб келмоқда.

Бўлимнинг асосий мақсади Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини химоя қилиш, ҳар қандай гайриқонуний аралашув ва текширувларнинг олдини олишдан, уларга ҳуқуқий ёрдам беришдан иборатдир.

Тадбиркорлик субъектлари мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари ҳамда шартнома шартларини бажармаслик оқибатида уларга етказилган моддий, маънавий зарарларни ва бой берилган фойдани бож тўловларисиз ундириш масаласида фуқаролар Адлия бошқармасига доимий равишда ишловчи 162-92-42 рақамли «Ишонч телефони» орқали ёки Мирзо Улughбек тумани, Мухтидинов кўчаси, 26-уйда жойлашган бошқарманинг бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.



# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ЖАВОБ ШАҲРАТСИЗ БЎЛАДИ

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонининг баёнотида кўра Ироқ мабодо Исроилга қарши биологик қурол қўлайдиган бўлса Исроил томони ўзининг босиқлик таъминини қўриқиб, дарҳол ядровий зарба беради. Мазкур жавоб шафқатсиз бўлади. Исроилнинг бундай дағдағаси оммавий ахборот воситалари шарҳчиларини ўйлантириб қўйди. Ваҳоланки Исроил ҳозиргача ўзининг ядровий қуролга эга эканлигини инкор этиб келаётган эди.

### АХБОРОТ ЁЛҒОН ЧИҚДИ

Ўтган ҳафта охирида Чечен жангарилари бир неча йirik аҳоли масканларини босиб олиш мақсадида катта кўламада ҳужум уюштирдилар деган хабарлар тарқалди. Удугуновнинг ташвиқот тизимларини интернетнинг «Кавказ-Марказ» сайти орқали муҳофизларнинг Урус-Мартан ва Ачхой-Мартан туманларида «катта муваффақиятларга» эришганлигини овоза қилди,

гўё ўнга яқин қишлоқлар, жумладан, Рошни-Чу, Гехи-Чу, Шалажи, Гехи, Танги-Чу, Эски Ачхой, Янди кабилар қўлга киритилган эмиш. Бироқ ёлгоннинг умри қисқа деганларидек, бу ахборотлар ёлгон қўйилган бўлиб чиқди. Маҳаллий маъмурлар вакиллари айтаётганларидек, босқинчилар катта тадбир билан бериб, орқага чекинишга мажбур бўлганлар.

### ТРИЛЛИОН ТЎЛАНИШИ

КЕРАК  
Ўтган йил 11 сентябрда АҚШда юз берган фожидада ҳалок бўлган қурбонларнинг 600 нафар қариндош-уруғлари Судан ва Саудия Арабистонига тоvon пули тўлаш юзасидан даъво мактублари билан мурожаат қилдилар. Таалаблар Судан маъмуриятига ва Саудия Арабистонининг кўзга кўринган шахслари ва нуфузли ташкилотларига қаратилди. Давоғарлар кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас, бир триллион доллар олишга умид қилмоқдалар. Саудиялик йирик арбоблар орасида валиахд Мухаммад ал-Файсал, разведка махкамасининг собиқ раҳбари Турки ал-Файсал ва Саудия Арабистони мудофаз-

вазири Султон бин Абдулазиз номлари бор.

### ФРАНЦИЯЛИК ОШИҚЛАР

Кейингим пайтларда Қирғизистон пойтахти Бишкек яқинидаги Манас аэропортининг аксиденттерорчи базасида ғалати воқеалар содир бўлмоқда. Бу ерда хизмат қилаётган Франция ҳарбий ҳаво кучларининг 80 нафар аскар ва зобитлари қирғиз қизларига уйланганликларини ошкор қилдилар. «Мирра-2000» самолётларига хизмат кўрсатадиган 450 нафар фаранглар дунёнинг 8 мамлакатидан келган 1900 нафар ҳарбийлар таркибига кирадилар. Франциялик йигитларнинг айримлари ўз ватанларига бориб аввалги хотинлари билан ажрашиб қолдилар. Қирғиз қизларининг аjoyиб ҳулқи, мулойимлиги, ўта саводхонлиги тайёрачиларни ром этган бўлса, ажаб эмас.

### ЖОНГА ЖАҲО ИССИКЛИК

Оврўпога кўз тегида чоғи. Ўтган кунларда кўнгина мамлакатларда рўй берган сув тошқинлари катта вайрона-

гарчиликлар келтирган бўлса, Скандинавия минтақасидаги давлатларда бугун бунинг аксини кўриш мумкин. Норвегия, Финляндия, Дания, Швеция худудларида ҳозир иссиқлик даражаси энг катта кўрсаткичга кўтарилди. Сикомоб устун бу жойларда деярли кузатилмайдиган 30 да-ражадан ҳам ошиб кетди. Одамлар жонга жафо иссиқликдан сақланиш учун турли чора тадбирлар қўлламоқда.

### ҲАММАНИ АЖАБЛАНТИРЯПТИ

Ишониш қийин, лекин, янги асримизнинг ибтидосида қароқчилик деб аталган иллатнинг қайта туғилаётганлиги ҳаммани ҳайратга солмоқда. Кейинги икки йилда қароқчилик авж олган икки минтақа вужудга келди. Уларнинг бири Ҳинд уммонининг шимолий-ғарбий қисмида бўлиб, Сомалига яқин жойдир. Мазкур худудда иш қўраётган босқинчилар Урта ер, Қизил денгиз, Сувайш канали, Адан кўрфазиди, Ҳинд уммони йўналишларида «фаолият» кўрсатмоқдалар. Иккинчи гуруҳ эса Жанубий Хитой,



# Ўқувчиларга дарсликлар

Қашқадарёда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан халқ таълими муассасалари, вилоятдаги барча ташкилотлар, корхоналар ҳамкорлигида янги ўқув йили олдида ўқувчиларни дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш чоралари кўришмоқда. Утган уч ой мобайнида ҳомийлар ҳисобидан вилоятдаги мактабларга қарийб 36,5 миллион сўмлик дарслик олиб берилди. Бу китоблар асо-

сан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул тарқатилди. У.Юсупов туманида ўқувчи-ёшлар дарсликлар билан тўлиқ таъминланди. Тумандаги «Тошкент» ҳўжалиги мактабларга 2 миллион сўмлик, «Жейнов» ҳўжалиги 1 миллион сўмлик, Автономов номидаги ҳўжалик 1,5 миллион сўмлик дарслик олиб берди.


(ЎзА).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси республикаимиздаги театрлар билан ҳам яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу нуфузли жамғарма саъй-ҳаракати билан «Содиқлик» деб номланган спектакл ҳам сахна юзини кўрди.

## ЖАМҒАРМА ҲОМИЙЛИГИ

Гап шундаки, «Ўзбекистон ёшлар театри» томонидан постановка қилинган бу спектаклга бу жамғарма яқиндан ёрдам берди. Шунингдек, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳам бу хайрли ишга бош кўшди. «Содиқлик» спектакли ёзувчи А.Куррининг «Брегет» ҳикояси асосида сахналаштирилди. Театрнинг режиссёри, республикада хизмат кўрсатган артист Георгий Мустафин бошчилигида тайёрланган мазкур сахна асари жойларда ҳам кўрсатила бошланди. Тарбияси оғир болалар билан шуғулланувчи даргоҳларда ҳам уни намойиш қилиш режалаштирилди.

А.АЛИЕВ.



Косба уюшма мукофоти лауреатлари



# БЕҲЗОД ВОРИСЛАРИ

## Наманган миниатюра санъати мактабини яратиш ниятида

У маҳалларда Аъзамжон ҳали мактабга ҳам катнамади. Бир сафар дадаси Ақромжон ака билан кўча айлиниди. Падали бузруквори уни истироҳат боғига, вилоят ўлкани ўрганиш музейига бошлаб кирди. Аъзамжон Алишер Навоийнинг «Хамса» асарини талқини асосида ишланган миниатюрага тикилганча бир зум қотиб туриб қолди. Дада-си ҳарчанд қўлидан тортқилмасин жойидан жилғиси келмас, гўёки от устидаги қамон тортаётган чавандоз унинг бутун борлигини ўзига ром этгандек эди.

— Бир пас тўхтанг, яхшироқ кўриб олай, — деди худди соҳрлангандек. Уйга қайтишгач, ўзича қозоғга нималарнидир чизишга уринди. Буни кўрган онаси:

сомлардан Хуршид Назаров, Содиқ Қорабоев, Тоҳир Болтабоевлардан



қадимий Шарқ миниатюраси сирларини чуқурроқ ўзлаштирди ва ўз устида қаттиқ ишлади. Ушбу бўлимдаги Камолиддин Беҳзод юбилейи муносабати билан Беҳзод мактаби услубида «Лайли ва Мажнун», «Илҳом париси», «Устоз ва шогирд», «Тонг манзараси» асарларини яратди. Сўфи Олғаёр асарларига ишланган миниатюралар вилоят микёсидаги мукофотга ҳамда «Мустақилликнинг ўн бир йиллиги» кўкрак нишонига сазовор бўлди. Бу асарларнинг кўпчилиги республика кўргазаларида намойиш этилди.


Биз Аъзамжон Валиевдан орзу-ниятларини сўрадик. — Мақсадимиз Наманган миниатюра санъати мактабини яратиш, — дейди йигит. — Маъруфжон Нуриддинов, Равшанбек Валиев ва бошқа қатор шогирдларимнинг иш натижалари мени шунга даъват этмоқда ҳамда илҳомлантирмоқда. Биз Беҳзод ворисларимиз ахир!

Танлаган йўлида собитқадам, касб-хунарига чин дилдан ихлол қўйган, бутун борлиги билан унга берилган одамнинг меҳнатлари ўз баҳосини олмасдан, рўёбга чиқмасдан қолмайди. Бинобарин, Аъзамжон Валиевнинг асарлари ҳам ўзининг оқори баҳосини олди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари мукофоти лауреати деган унвонга сазовор бўлди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

— Аввал мактабга бориб харфларни ўрган, кейин расм чизишга ўтсан, — дея даққи берди. Хуллас, Аъзамжон ўқувчилар даври келгунча қадар бир-икки дафтарини турли ҳайвонлар ва кўзи тушган нарсалар сурати билан тўлғизиб улгурган эди. Бир гал улғур ўқитган Наманган шаҳридаги 43-мактабга Ўзбекистон халқ устаси Аскарбек Акпаров ташриф буюрди. Ва учрашувдан сўнг сурат чизишга қизиқадиган болаларни суриштирди. Аъзамжон расмлар билан тўлғизилган дафтарини кўриб, устaxonасига тақлиф қилди.

— Олтинчи синфда ўқибганимизда юз берган бу воқеа ҳаётимда бутунлай ўзгариш ясади ва умримнинг бош йўлини танлаб олишимга ёрдамлашди, — дейди ўша йилларини эслаб йигит. — Ёзги таътил даврида устадан иш ва хунар ўргандим. — Мен Аъзамжон чизган суратлардан Шарқ миниатюраси санъатига алоҳида қобилияти борлигини пайқадим, — дейди Аскарбек Акпаров. — Ёш талантдаги бу йўналишга қизиқиш ва алоҳида қобилиятни тўғри йўлга солишга, рағбатлантиришга уриндим. Шу тариқа Аъзамжон биринчи навбатда устозлар билан кўргазмаларда бот-бот намойиш этиладиган бўлди. Асарлари республика ёшлар, шунингдек, вилоят ёш мусаввирлар кўргазмаларида юқори ўринларни эгаллайдиган бўлди. Вилоят енгил санъат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган газламаларни



фалак! Бунисини қандай тўғрилаймиз энди? Мактабда умримиз чет тили дарсидадан кўн бўлиш билан ўтган. Дадам сендан чўпондан бошқа ким ҳам чиқарди, деб ўқишимга умуман эътибор қилмаганлар. Ҳа, энди кўп қатори ўрта маълумот олганмиз-да. Бошим қотди-қолди. Икки-уч ойда бир тилни салпал бўлсам ўрганиб бўлмас-ов!

Наҳотки, шу билан ҳаммаси тамом! Қарақт бўлиб қотиб қолдим. Юрагим нақ музлаб қолгудай бўлди. Кейин гижимланган газета оёғим устига шилпиллаб тушганини зурга эшитдим. Кўз олдим қоронгулашиб, бошим узра осмон чиришиб бўлиб айлана бошлади. Тупроққа ўтириб қолдим...

Кўзини оңганимда касалхонанинг ним қоронғу икки кишилик хонасида оёқларини чўзиб ётардим. Йўловчи «Матиз» келтириб ташлабди. Эгаси шундай хат қолдирибди: «Гувоҳлар иштирокида касалнинг чўнғидаги умуман пул чиқмади. Мен қўлидаги соатни ечиб олдим. Қачон яши бўлиб, мени рози қилса, соатни қайтариб олади». Манзилини, телефонини ёзиб, чиройли имзо ҳам қўйибди. Баччағар. Гижимланган газетани ҳам қўйимга тикиб қўйибди. Шунга ҳам шуқур қилдим. Бу ерда ётганимда уйдагилар ўтган яқанба буқалардан бирини пуллашибди. Дори пули, дўхтир пули дегандай...

Музаффар ТУРСУН

## Биласизми?

### «ПЛАНЕТА» — ДАЙДИБ ЮРУВЧИ ДЕГАНИ

Бепеён мовий осмон гумбазидаги юлдузлар орасида осмон жисмлари ҳам бор. Қадимги юнонлар бу жисмларни «планета» деб аташган. «Планета» сўзи юнончада «дайдиб юрувчи» деган маънони аңглатади. Ҳозир эса планета (сайёра) деб, ўзида акс этган ёруғдан нур сочиб, қуёш атрофида айланувчи осмон жисмларига айтилади.

Катта сайёраларнинг қабул қилинган барча номлари латинчадан олинган. Бизда эса сайёраларнинг латинча номи охиригача русча қўшимча қўшиб ишлатилади. Тўққизта катта сайёрадан бошқа, қуёш тизимига катта сайёраларнинг 31 та йўлдоши ва бир ярим мингдан зиёд кичик сайёрачалар ёки астероидлар қиради. «Астероид» сўзи юнонча «юлдузсимон» деган маънони аңглатади.

Марс юпитег орасида кичик сайёра астероидлар ўз орбитаси бўйлаб айланиб юради. Астероидларга аввал бошда, одат бўйича юнон-рим афсоналаридаги қаҳрамонлар номи билан ҳам аталган. Кейинчалик Россия, Вена, Венгрия, Ўзбекистония, Москва, Франция, Хитой каби мамлакат ва шаҳар номлари қўйилди.

## Ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаган ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Музаффар Турсун Бухорининг «Жондор овози» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлади. Ундан зиёд насрий китоблари (хикоя, қисса ва ҳажвийлар) чоп этилган. Қўлида эътиборингизга унинг ижодидан бир шингил хавола этамиз.

Туман ҳафтаномасидаги бир эълонни кўриб, хурсандчилигимдан юрагим кинидан чиқарди. Австралия, Австралиями деган мамлакатда ишлаш учун чўпонлар керак экан. Э, бор экансан-ку, омади Ана, биз-да — чўпон! Нақ қийиб қўяман-а. Қўй дейсизми, қорамол дейсизми — боқавераман. Керак бўлса, йилчилик ҳам қиломан. Туя бўлсам, барибир. Мен мол боқиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, уларга!

Кўзларим чакнаб, эълонни ўқишда давом этдим. Ёши ўттиздан ошмаганларни олишар экан. Буниси ҳам кўнглимнинг тағдидан бўлди. Худди ўзингизимиз. Биласиз, яқинда от йили кирди, бизнинг мучал. Нақ, йигирма бешини миниб турибмиз. Австралияликлар йилнинг от эканлигини билишса тамом, бундан зўр чўпон чиқариб ишга ўйлашади. Албатта ишга олишади. Ахир, кучук ёки чўнка мучали қавқанда, от мучали қайда? Энди омадани қочирмаслик керак.

Дарҳол кўз югуртириб, мурожаат манзилини қидирдим. Муз енгил кўчадан бўлди. Ўз жойимиздаги меҳнат бўлимига ариза билан киришимиз керак экан. Шахсан мен учун бундан осони йўқ. Меҳнат бўлимига катнаибериб, оёқларим қабарган. Ҳаммасига отнинг қашқасидай таниш бўлиб қолганман. Кореяга юбораман, деб биттаси кўп пулларимни еган. Ана энди шуларни қайтарасан деб ёқасидан маҳкам оламан. Бир қаромат қилар, баччағар. Давай, жўра, дейман. Мана, бу эълонни ўқиб кўр, ёзасан бизни чўпонликка дейман. Юр, ишонмасанг, айвоним тағида фашиллаб ётган буқаларни ўз кўзинг билан кўр, дейман. Емон чўпон бўлсам буларни аммангиз ўғли семиртирдими, дейман.

Мани юборсанг, шунча кўнганлар қатори ана шу жониворлардан бири сенки, хоҳ сўйиб е, хоҳ сотиб е, дейман. Хоҳлаганингни ол, ўзиям шу туришда нақ ярим тонна чиқаришга деб, ипини қўлига тутқазаман. Демак, бу ёки силлиқина битди, деса бўлаверади. Яна ўқишга тушдим. Буни қараган, маоши ҳар ойда уч минг долларгача экан! Юрагим тойқоқдек ўйнаб кетди. Ана, унинг зарбини икки кулоғим билан ҳам эшитиб туришман. Наҳотки, уч-тўрт ой ишлабқот бир «Матиз»-лик

бўлсам? Лекин «Матиз» зўр машина. Худо етказса, умуман қирақашлик қилмайман. Болачакани миндириб, нуқул сайру сабаҳат қиламан. Асраб минсанг, қамиди ўттиз йил чидайди, бу жонивор. Қарислар тут деган. Биз бўлсам, олдинга келганини қайтармаймиз. Борига барака. Қон пешоб анализларини ҳам хоҳлагандай қилиб ёздириб мумкин. Шу қунарларда пул бўлса, ўлимдан бошқасининг иложи бор.

рорта австралиялик менинг қорнимга чироқ олиб қирақашлик қилмайман. Болачакани миндириб, нуқул сайру сабаҳат қиламан. Асраб минсанг, қамиди ўттиз йил чидайди, бу жонивор. Қарислар тут деган. Биз бўлсам, олдинга келганини қайтармаймиз. Борига барака. Қон пешоб анализларини ҳам хоҳлагандай қилиб ёздириб мумкин. Шу қунарларда пул бўлса, ўлимдан бошқасининг иложи бор.

Шундай қилиб, ишга кириш шартларини яна ўқиб бошладим. У ёқда борувчи киши мол билан муомала маданиятини, озуқа меърузини, хўрақдаги озуқа бирлигини пухта билиши керак экан. Бунгаам бошимни узок, оғритмадим. Каловини топсанг қор ёнади, дептиллар. Ана, чорва фермасида синфдошим Фахри чўлоқ дўхтир бўлиб ишлайди. Бир-икки кун ўзининг олдидан оқ халат қийиб юрсам, иш пишади қолди. У ерда тош ҳам бор, тарози ҳам бор. Деворда озуқа бирликлари чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Ўшаларни кўчириб оламан. Молга хўрак бўлса, уни едирди осон. Бунинг учун олим бўлиш шарт эмас. Емаса, нишхуртини эшак-пешак ер. Еки ёкиб ташлаймиз. Шунга-ми ота гўри қозихонами?..

Ўқишда давом этаман. Ишга борувчи киши ўқиди умуман чекмаслиги керак экан. Ола! Ташлаганим бўлсин шу савил қолгур носо! Ана, охириги марта туфладим. Э, сани чиқаргани... Яна ўқидим. Ишга борувчи оддий муомала даражасида автостроенг ёки инглиз тилини билиши шарт экан. Е,

# НАХОТ МЕНДАН ЧҲПОН ЧИҚМАСА?

## Ҳажвия

Шундай қилиб, ишга кириш шартларини яна ўқиб бошладим. У ёқда борувчи киши мол билан муомала маданиятини, озуқа меърузини, хўрақдаги озуқа бирлигини пухта билиши керак экан. Бунгаам бошимни узок, оғритмадим. Каловини топсанг қор ёнади, дептиллар. Ана, чорва фермасида синфдошим Фахри чўлоқ дўхтир бўлиб ишлайди. Бир-икки кун ўзининг олдидан оқ халат қийиб юрсам, иш пишади қолди. У ерда тош ҳам бор, тарози ҳам бор. Деворда озуқа бирликлари чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Ўшаларни кўчириб оламан. Молга хўрак бўлса, уни едирди осон. Бунинг учун олим бўлиш шарт эмас. Емаса, нишхуртини эшак-пешак ер. Еки ёкиб ташлаймиз. Шунга-ми ота гўри қозихонами?..

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Тахрир хайъати:**  
 Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

**Маълумот:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва саққаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00  
 Топширди - 22.10

Буюртма Г— 119. 1 2 3 4 5 6